

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА КИЛИШ ВАЗИРЛИГИНИНГ
КАРОРИ

109 Суд ижрочиларининг иш ҳажми меъёрларини тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил
10 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2207*

(2011 йил 20 мартдан кучга киради)

«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сон, 169-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги **қарор қиладилар:**

1. Суд ижрочиларининг иш ҳажми меъёрлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, суд ижрочиларининг иш ҳажми меъёрлари:

суд ижрочиларининг штат бирликлари бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва суд ижрочилари бўлимларининг самарали фаолиятини ташкиллаштиришда;

иш ҳажмини режалаштириш ва меъёрлаштирилган топшириқларни беришда;

хар бир суд ижрочисининг ва суд ижрочилари бўлимларининг фаолиятини, шунингдек уларнинг юклатилган мажбурият ва берилган ваколатларини бажариш учун объектив имкониятларини баҳолашда фойдаланилади.

3. Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти (З.С. Холмухаммедов) суд ижрочиларининг тасдиқланган иш ҳажми меъёрларини Суд департаментининг барча бўлинмалари, шунингдек барча манфаатдор шахслар эътиборига етказилишини таъминласин.

4. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Адлия вазири

Р. МУҲИТДИНОВ

Тошкент ш.,
2011 йил 4 март,
22-сон

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазирлиги****А. ХАИТОВ**

Тошкент ш.,
2011 йил 4 март,
13-ҚҚ-сон

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини
ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг
2011 йил 4 мартдаги 22, 13-ҚҚ-сон
қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Суд ижрочиларининг иш ҳажми
МЕЪЁРЛАРИ****I. Умумий қоидалар**

1. Суд ижрочиларининг иш ҳажми меъёрлари ижро иши юритишлар бўйича суд ижрочилари томонидан бажариладиган ишларнинг вақт меъёрлари асосида белгиланади.

2. Суд ижрочиларининг иш ҳажми меъёрлари деганда суд ижрочиларига амалдаги қонунчиликка мувофиқ юклатилган турли бажарилган ишларнинг муайян сони тушунилади.

3. Суд ижрочиларининг иш ҳажми меъёрлари суд ижрочиларининг йиллик, чораклик ва ойлик иш натижалари бўйича аниқланади.

4. Суд ижрочиларининг иш ҳажми меъёрларини ҳисоблаб аниқлашда тегишли ҳисоблаш учун қўлланиладиган маълумотларнинг ҳисобини юритиш лозим.

Бундай маълумотлар сифатида суд ижрочиларининг иши бўйича статистик ҳисобот ва бажарилган ишларга сон кўринишида баҳо бериш имконини берадиган бошқа тезкор ҳисобот маълумотлари тан олинади.

5. Иш ҳажми меъёрлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд департаменти бўлинмаларининг суд ижрочиларига бажарилган ишлар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир суд ижрочиси ва Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд департаменти бўлинмасининг иш ҳажми меъёрини аниқлаш имконини беради.

6. Суд ижрочиларининг иш ҳажми меъёрлари суд ижрочиларининг фаолият йўналишлари бўйича ишлаб чиқилган ва қуйидаги бўлимлардан иборат:

- юридик шахслардан ундирувлар;
- жисмоний шахслардан ундирувлар;
- алимент ундирувлари;
- номулкий хусусиятга эга бўлган талабларни ижро этиш;

қарздорни кўчириш;
 ундирувчини кўчириб киритиш;
 болани олиб бериш ва топшириш;
 жарималарни ундириш ва давлат даромадига бошқа ундирувлар;
 давлат даромадига ўтказилиши лозим бўлган мол-мулкларни реализация қилиш ёки йўқ қилиб ташлаш;
 бошқа ижро иши юритишлар.

7. Меъёрларда матнларни териш, стенографик, нусха кўчириш-кўпайтириш ва бошқа ишларни бажариш вақтлари инобатга олинмаган. Меъёрлар иш турлари бўйича қабул қилинган ҳар бир иш ҳажми бирлигига нисбатан дақиқаларда белгиланган.

8. Иш ҳажми меъёрларида тайёргарлик-яқунлов ишлари, иш жойига хизмат кўрсатиш, дам олиш ва шахсий эҳтиёжлар учун сарфланадиган вақт оператив вақтнинг 10% доирасида ҳисобга олинган.

II. Суд ижрочисининг иш меъёрларини ҳисоблаб чиқариш

9. Суд ижрочилари томонидан бажариладиган иш турлари, улар таркиби ҳамда ушбу ишларни бажаришга сарфланадиган вақт меъёрлари 1-иловада келтирилган.

10. Суд ижрочиси иш ҳажми меъёрларини ҳисоблаб чиқариш учун қуйидагилар инобатга олинади:

суд ижрочиси томонидан қарздор жойлашган жойга етиб бориш учун турли туман ва вилоятларда сарфланадиган вақт ўртасидаги катта фарқ K_1 коэффициентини белгилаш орқали инобатга олинади, бунда ушбу коэффициент транспорт тизими яхши ривожланган шаҳар туманлари ва вилоятларда ҳамда қарздор жойлашган жойгача масофа узоқ бўлмаган ҳудудларда 0,95 га, узоқ масофали ва транспорт тизими суст ривожланган ҳудудларда эса 1,05 га тенг бўлади;

суд ижрочисининг малакаси K_2 коэффициентини белгилаш орқали инобатга олинади, бунда 1 йилгача ишлаган суд ижрочисининг коэффициенти 0,9 га, 1 йилдан 3 йилгача ишлаган суд ижрочисиники — 1 га, 3 йилдан ортиқ ишлаган суд ижрочисининг коэффициенти эса 1,1 га тенг бўлади.

11. Иш ҳажми меъёрларини қуйидаги формула бўйича аниқлаш тавсия этилади:

$$N = \frac{n}{T}, \text{ бунда:}$$

N – ижро иши юритишлари ишлари сони (ижро иши юритиш бирликлари);

T – сарфланадиган иш вақти меъёри (соатларда);

$$T = \frac{t \times K_1 \times K_2}{60}, \text{ бунда:}$$

t — битта ижро иши юритиши бўйича сарфланган иш вақти (дақиқаларда);

n — иш ҳажми меъёри белгиланадиган давр давомийлиги (ой, чорак, йил).

Давр давомийлиги (n) соатларда ҳисобланади (масалан, 1 ой $21,2 \times 8 = 169,6$ соат, 1 чорак — $169,6 \times 3 = 508,8$ соат, 1 йил — $508,8 \times 4 = 2035,2$ соат).

Шу тарзда суд ижрочисининг иш ҳажми меъёри ҳар бир ижро иши турига кўра исталган режалаштирилаётган давр учун ҳар бир суд ижрочиси бўйича 2-иловага мувофиқ ҳисобланади.

12. Мазкур суд ижрочиларининг иш ҳажми меъёрлари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Республика аҳоли бандлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш илмий маркази билан келишилган.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Республика аҳоли бандлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш илмий маркази директори

О. АБДУРАХМОНОВ

2011 йил 4 март

Суд ижрочиларининг иш ҳажми меъёрларига
1-ИЛОВА

Суд ижрочиси томонидан битта ижро иши юритиш бўйича бажариладиган ишларга сарфланадиган вақт МЕЪЁРЛАРИ

Т/р	Иш таркиби	Вақт меъёри (дақиқада)
I. Юридик шахсдан ундирувлар (1 та ижро ишига сарфланадиган вақт) (юридик шахслардан солиқ қарзи, давлат божси, почта харажатлари ва бошқа ундирувлар)		
1.	Ижро ҳужжатини ўрганиш, ижро ҳаракатларини режалаштириш, ижро иши юритишни қўзғатиш	16
2.	Ижро иши юритишни расмийлаштириш. Ижро иши юритиш қўзғатилганлиги ҳақида тарафларни хабардор қилиш	19

Т/р	Иш таркиби	Вақт меъёри (дақиқада)
3.	Сўровнома, хат ва бошқаларни тайёрлаш. Ижро иши юритиш тарафларини суд ижрочисининг хузурига чақириш юзасидан чақирув қоғозлари ва бошқа хабарномаларни расмийлаштириш	27
4.	Ижро йиғимини ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 198 ¹ -моддасида назарда тутилган жаримани ундириш тўғрисида қарор чиқариш	33
5.	Қарздорнинг яшаш жойи ёки унинг мол-мулки турган жойга чиқиш	74
6.	Қарздорнинг мол-мулки ва ўзга қимматликларини аниқлаш	40
7.	Ундирувни қарздорнинг пул маблағларига қаратиш	44
8.	Қарздорнинг мол-мулки ва ўзга қимматликларини хатлаш (банд солиш), ҳолисларни таклиф қилиш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш, мол-мулкни кўздан кечириш, далолатнома тузиш	72
9.	Мол-мулкни баҳолаш чораларини кўриш, ижро иши юритиш тарафларини хабардор қилиш, мол-мулкни арзонлаштириш	91
10.	Мол-мулкни сақланишини таъминлаш чораларини кўриш	55
11.	Хатланган мол-мулкни олиб қўйиш	84
12.	Хатланган мол-мулкни реализация қилиш учун топшириш	59
13.	Қарздор тугатилганда ижро ҳужжатини тугатиш комиссиясига юбориш. Ижро ҳужжати тугатувчига юборилганлиги ҳақида ундирувчига хабар бериш	38
14.	Ундирувчининг талабларини қаноатлантириш навбатини аниқлаш	25
15.	Ундирилган пул маблағларини тақсимлаш, ҳисоб-китоб ҳужжатларини расмийлаштириш	35
16.	Реализация қилинмаган мол-мулкни қарз ҳисобига олиш ҳақидаги таклифни тайёрлаш	35
17.	Ижро иши юритишни тамомлаш тўғрисида қарор чиқариш	20
18.	Ҳужжатларни расмийлаштириш ва юбориш	23
ЖАМИ		788
II. Жисмоний шахслардан ундирувлар (1 та ижро ишига сарфланадиган вақт) (жисмоний шахсдан коммунал тўловларни, солиқ қарзлари, зарарни ундириш ва бошқа ундирувлар)		
1.	Ижро ҳужжатини ўрганиш, ижро ҳаракатларини режалаштириш, ижро иши юритишни қўзғатиш	16
2.	Ижро иши юритишни расмийлаштириш. Ижро иши юритиш қўзғатилганлиги ҳақида тарафларни хабардор қилиш	23
3.	Сўровнома, хат ва бошқаларни тайёрлаш. Ижро иши юритиш тарафларини суд ижрочисининг хузурига чақириш юзасидан чақирув қоғозлари ва бошқа хабарномаларни расмийлаштириш	29
4.	Ижро йиғимини ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 198 ¹ -моддасида назарда тутилган жаримани ундириш тўғрисида қарор чиқариш	25

Т/р	Иш таркиби	Вақт меъёри (дақиқада)
5.	Қарздорнинг яшаш жойи ёки унинг мол-мулки турган жойга чиқиш	75
6.	Қарздорнинг мол-мулки ва ўзга қимматликларини аниқлаш	39
7.	Ундирувни қарздорнинг пул маблағларига қаратиш	36
8.	Қарздорнинг мол-мулки ва ўзга қимматликларини хатлаш (банд солиш), холисларни таклиф қилиш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш, мол-мулкни кўздан кечириш, далолатнома тузиш	77
9.	Мол-мулкни баҳолаш чораларини кўриш, ижро иши юритиш тарафларини хабардор қилиш, мол-мулкни арзонлаштириш	66
10.	Мол-мулкни сақланишини таъминлаш чораларини кўриш	55
11.	Хатланган мол-мулкни олиб қўйиш	66
12.	Хатланган мол-мулкни реализация қилиш учун топшириш	52
13.	Ундирувчининг талабларининг қаноатлантириш навбатини аниқлаш	27
14.	Ундирилган пул маблағларини тақсимлаш, ҳисоб-китоб ҳужжатларини расмийлаштириш	35
15.	Ижро иши юритишни тамомлаш тўғрисида қарор чиқариш	20
16.	Ҳужжатларни расмийлаштириш ва юбориш	20
ЖАМИ		662
III. Алимент ундирувлари (1 та ижро ишига сарфланадиган вақт)		
1.	Ижро ҳужжатини ўрганиш, ижро ҳаракатларини режалаштириш, ижро иши юритишни қўзғатиш	15
2.	Ижро иши юритишни расмийлаштириш. Ижро иши юритиш қўзғатилганлиги ҳақида тарафларни хабардор қилиш	20
3.	Сўровнома, хат ва бошқаларни тайёрлаш. Ижро иши юритиш тарафларини суд ижрочисининг ҳузурига чақириш юзасидан чақирув қоғозлари ва бошқа хабарномаларни расмийлаштириш	27
4.	Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 198 ¹ -моддасида назарда тутилган жаримани ундириш тўғрисида қарор чиқариш	19
5.	Алимент тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжатларни қарздордан қабул қилиш	26
6.	Қарздордан нақд пул маблағларини қабул қилиш	29
7.	Қарздорнинг алимент қарзи бўйича иш жойи ва унинг иш ҳақини аниқлаш чораларини кўриш, алимент бўйича қарздорликни ҳисоблаб чиқариш	43
8.	Ижро ҳужжатини қарздорнинг иш жойи бўйича юбориш	23
9.	Қарздорнинг яшаш жойи ёки унинг мол-мулки турган жойга чиқиш	66
10.	Қарздорга нисбатан қидирув эълон қилиш ҳақидаги ҳужжатларни расмийлаштириш	28
11.	Алимент тўламаган қарздорга нисбатан жиноят иши қўзғатиш учун ҳужжатларни тайёрлаш ва юбориш	98

Т/р	Иш таркиби	Вақт меъёри (дақиқада)
12.	Қарздорнинг мол-мулки ва ўзга қимматликларини хатлаш (банд солиш), ҳолисларни таклиф қилиш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш, мол-мулкни кўздан кечириш, далолатнома тузиш	79
13.	Мол-мулкни баҳолаш чораларини кўриш, ижро иши юритиш тарафларини хабардор қилиш, мол-мулкни арзонлаштириш	51
14.	Мол-мулкни сақланишини таъминлаш чораларини кўриш	43
15.	Хатланган мол-мулкни олиб қўйиш	55
16.	Хатланган мол-мулкни реализация қилиш учун топшириш	43
17.	Ундирилган пул маблағларини ундирувчига юбориш	29
18.	Ижро ҳужжатини қарздорнинг иш жойи бўйича ижро этиш учун юборишга тайёрлаш ва жўнатиш	27
19.	Қарздор жисмоний шахсга иш ҳақи ёки унга тенглаштирилган бошқа тўловларни тўлаётган ташкилот ёки ўзга шахс томонидан алимент ундирувлари бўйича ижро ҳужжатларининг ижро этилиши устидан назорат қилиш	50
ЖАМИ		772
IV. Номулкий хусусиятга эга бўлган талабларни ижро этиш (1 та ижро ишига сарфланадиган вақт) (қарздор/ундирувчини кўчириш ёки кўчириб киритиш тўғрисидаги ижро ҳужжатларидан ташқари)		
1.	Ижро ҳужжатини ўрганиш, ижро ҳаракатларини режалаштириш, ижро иши юритишни кўзгатиш	18
2.	Ижро ишини расмийлаштириш. Ижро иши юритиш кўзгатиш-ганлиги ҳақида тарафларни хабардор қилиш	22
3.	Сўровнома, хат ва бошқаларни тайёрлаш. Ижро иши юритиш тарафларини суд ижрочисининг ҳузурига чақириш юзасидан чақирув қоғозлари ва бошқа хабарномаларни расмийлаштириш	26
4.	Ижро йиғимини ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 198 ¹ -моддасида назарда тутилган жаримани ундириш тўғрисида қарор чиқариш	32
5.	Қарздорни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 232-моддасига асосан жавобгарликка тортиш чораларини кўриш юзасидан ҳужжатларни тайёрлаш	67
6.	Қарздорнинг мол-мулки ва ўзга қимматликларини хатлаш (банд солиш), ҳолисларни таклиф қилиш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш, мол-мулкни кўздан кечириш, далолатнома тузиш	79
7.	Мол-мулкни баҳолаш чораларини кўриш, ижро иши юритиш тарафларини хабардор қилиш, мол-мулкни арзонлаштириш	56
8.	Мол-мулкни сақланишини таъминлаш чораларини кўриш	60
9.	Хатланган мол-мулкни олиб қўйиш	71
10.	Хатланган мол-мулкни ундирувчига топшириш	37
11.	Ижро иши юритишни тамомлаш тўғрисида қарор чиқариш	22
12.	Ҳужжатларни расмийлаштириш ва юбориш	21
ЖАМИ		512

Т/р	Иш таркиби	Вақт меъёри (дақиқада)
V. Қарздорни кўчириш (1 та ижро ишига сарфланадиган вақт)		
1.	Ижро ҳужжатини ўрганиш, ижро ҳаракатларини режалаштириш, ижро иши юритишни қўзғатиш	17
2.	Ижро ишини расмийлаштириш. Ижро иши юритиш қўзғатилганлиги ҳақида тарафларни хабардор қилиш	23
3.	Сўровнома, хат ва бошқаларни тайёрлаш. Ижро иши юритиш тарафларини суд ижрочисининг ҳузурига чақириш юзасидан чақирув қоғозлари ва бошқа хабарномаларни расмийлаштириш	34
4.	Ижро йиғимини ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 198 ¹ -моддасида назарда тутилган жаримани ундириш тўғрисида қарор чиқариш	21
5.	Қарздорнинг яшаш манзили бўйича чиқиш	59
6.	Қарздорни кўчириш (ички ишлар органлари билан кўчириш муддати ва бошқа масалаларни келишиш)	144
7.	Мол-мулкни хатлаш, далолатнома тузиш	71
8.	Қарздорнинг мол-мулкни олиб қўйиш, юклаш ва ташиш	96
9.	Қарздорнинг мол-мулкни сақлаш	39
10.	Ижро иши юритишни тамомлаш тўғрисида қарор чиқариш	21
11.	Ҳужжатларни расмийлаштириш ва юбориш	23
ЖАМИ		547
VI. Ундирувчини кўчириб киритиш (1 та ижро ишига сарфланадиган вақт)		
1.	Ижро ҳужжатини ўрганиш, ижро ҳаракатларини режалаштириш, ижро иши юритишни қўзғатиш	18
2.	Ижро ишини расмийлаштириш. Ижро иши юритиш қўзғатилганлиги ҳақида тарафларни хабардор қилиш	22
3.	Сўровнома, хат ва бошқаларни тайёрлаш. Ижро иши юритиш тарафларини суд ижрочисининг ҳузурига чақириш юзасидан чақирув қоғозлари ва бошқа хабарномаларни расмийлаштириш	27
4.	Ижро йиғимини ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 198 ¹ -моддасида назарда тутилган жаримани ундириш тўғрисида қарор чиқариш	21
5.	Қарздорнинг яшаш манзили бўйича чиқиш	65
6.	Ундирувчини кўчириб киритиш (ички ишлар органлари билан кўчириб киритиш муддати ва бошқа масалаларни келишиш)	143
7.	Ундирувчининг ижро ҳужжатида кўрсатилган хонага монеликсиз киришини ва унда яшашини таъминлаш	86
8.	Ижро иши юритишни тамомлаш тўғрисида қарор чиқариш	21
9.	Ҳужжатларни расмийлаштириш ва юбориш	26
ЖАМИ		429
VII. Болани олиб бериш ва топшириш (1 та ижро ишига сарфланадиган вақт)		
1.	Ижро ҳужжатини ўрганиш, ижро ҳаракатларини режалаштириш, ижро иши юритишни қўзғатиш	15

Т/р	Иш таркиби	Вақт меъёри (дақиқада)
2.	Ижро ишини расмийлаштириш. Ижро иши юритиш қўзгатилганлиги ҳақида тарафларни хабардор қилиш	20
3.	Сўровнома, хат ва бошқаларни тайёрлаш. Ижро иши юритиш тарафларини суд ижрочисининг ҳузурига чақириш юзасидан чақирув қоғозлари ва бошқа хабарномаларни расмийлаштириш	28
4.	Болани олиб бериш тўғрисидаги қарорни ижро этиш	137
5.	Олиб қўйилиши лозим бўлган болани қидириш тўғрисида ҳужжатларни расмийлаштириш	38
6.	Ижро иши юритишни тамомлаш тўғрисида қарор чиқариш	18
7.	Ҳужжатларни расмийлаштириш ва юбориш	21
ЖАМИ		277
VIII. Жарималарни ундириш ва давлат даромадига бошқа ундирувлар (1 та ижро ишига сарфланадиган вақт)		
1.	Ижро ҳужжатини ўрганиш, ижро ҳаракатларини режалаштириш, ижро иши юритишни қўзгатиш	15
2.	Ижро ишини расмийлаштириш. Ижро иши юритиш қўзгатилганлиги ҳақида тарафларни хабардор қилиш	20
3.	Сўровнома, хат ва бошқаларни тайёрлаш. Ижро иши юритиш тарафларини суд ижрочисининг ҳузурига чақириш юзасидан чақирув қоғозлари ва бошқа хабарномаларни расмийлаштириш	28
4.	Ижро йиғимини ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 198 ¹ -моддасида назарда тутилган жаримани ундириш тўғрисида қарор чиқариш	21
5.	Суд ижрочиси томонидан жарима ва бошқа тўловларни тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш	18
6.	Қарздорнинг яшаш жойи ёки унинг мол-мулки турган жойга чиқиш	55
7.	Қарздорнинг мол-мулки ва ўзга қимматликларини аниқлаш	51
8.	Қарздорнинг мол-мулки ва ўзга қимматликларини хатлаш (банд солиш), холисларни таклиф қилиш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш, мол-мулкни кўздан кечириш, далолатнома тузиш	69
9.	Мол-мулкни баҳолаш чораларини кўриш, ижро иши юритиш тарафларини хабардор қилиш, мол-мулкни арзонлаштириш	68
10.	Мол-мулкнинг сақланишини таъминлаш чораларини кўриш	60
11.	Хатланган мол-мулкни олиб қўйиш	73
12.	Хатланган мол-мулкни реализация қилиш учун топшириш	65
13.	Ундирилган пул маблағларини тақсимлаш, ҳисоб-китоб ҳужжатларини расмийлаштириш	34
14.	Ижро ҳужжатини қарздорнинг иш жойи бўйича юбориш	28
15.	Ундирувчининг талабларини қаноатлантириш навбатини аниқлаш	28
16.	Давлат фойдасига ундирилиши лозим бўлган жиноий жарима тўланмаган ёки қарздорнинг ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулклари мавжуд бўлмаган тақдирда жаримани жазонинг бошқа тури билан алмаштириш учун ҳужжатларни тайёрлаш ва судга юбориш	36

Т/р	Иш таркиби	Вақт меъёри (дақиқада)
17.	Хужжатларни расмийлаштириш ва юбориш	23
ЖАМИ		692
IX. Давлат даромадига ўтказилиши лозим бўлган мол-мулкларни реализация қилиш ёки йўқ қилиб ташлаш (1 та ижро ишига сарфланадиган вақт)		
1.	Ижро ҳужжатини ўрганиш, ижро ҳаракатларини режалаштириш, ижро иши юритишни қўзғатиш	17
2.	Ижро ишини расмийлаштириш. Ижро иши юритиш қўзғатилганлиги ҳақида тарафларни хабардор қилиш	20
3.	Сақлашда турган мол-мулкларни хатловдан ўтказиш	48
4.	Олиб қўйилган автототранспорт воситаларининг техник ҳолатини ва кўчмас мулкларни кўздан кечириш	69
5.	Мол-мулкни сақлаш жойини ўзгартириш чораларини кўриш, топшириш-қабул қилиш далолатномасини тузиш	83
6.	Мол-мулкни реализация қилиш учун топшириш ҳамда тегишли ташкилотлар ва бошқа органларга текинга бериш	84
7.	Ижро ҳужжатига асосан йўқ қилиниши лозим бўлган мол-мулкни йўқ қилиш, далолатномани расмийлаштириш	98
8.	Мол-мулк қийматини арзонлаштириш чораларини кўриш ҳамда истеъмолга яроқлилик муддати ўтган мол-мулкни йўқ қилиб ташлаш	80
9.	Реализациядан тушган пул маблағларини тақсимлаш, ҳисоб-китоб ҳужжатларини расмийлаштириш	36
10.	Хужжатларни расмийлаштириш ва юбориш	26
ЖАМИ		562
X. Бошқа ижро иши юритишлар (1 та ижро ишига сарфланадиган вақт)		
1.	Ижро ҳужжатини ўрганиш, ижро ҳаракатларини режалаштириш, ижро иши юритишни қўзғатиш	18
2.	Ижро ишини расмийлаштириш. Ижро иши юритиш қўзғатилганлиги ҳақида тарафларни хабардор қилиш	29
3.	Сўровнома, хат ва бошқаларни тайёрлаш. Ижро иши юритиш тарафларини суд ижрочисининг ҳузурига чақириш юзасидан чақирув қоғозлари ва бошқа хабарномаларни расмийлаштириш	37
4.	Ижро йиғимини ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 198 ¹ -моддасида назарда тутилган жаримани ундириш тўғрисида қарор чиқариш	21
5.	Ижро ҳужжатини қарздорнинг иш жойи бўйича юбориш	71
6.	Қарздорнинг мол-мулки ва ўзга қимматликларини аниқлаш	48
7.	Қарздорни қидириш тўғрисида ҳужжатларни расмийлаштириш	34
8.	Қарздорнинг мол-мулки ва ўзга қимматликларини хатлаш (банд солиш), холисларни таклиф қилиш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш, мол-мулкни кўздан кечириш, далолатнома тузиш	70
9.	Мол-мулкни баҳолаш чораларини кўриш, ижро иши юритиш тарафларини хабардор қилиш, мол-мулкни арзонлаштириш	58

Т/р	Иш таркиби	Вақт меъёри (дақиқада)
10.	Мол-мулкни сақланишини таъминлаш чораларини кўриш	55
11.	Хатланган мол-мулкни олиб қўйиш	59
12.	Хатланган мол-мулкни реализация қилиш учун топшириш	50
13.	Ундирувчининг талабларини қаноатлантириш навбатини аниқлаш	31
14.	Қарздорга муайян ҳаракатларни амалга оширишни юкловчи ижро ҳужжатларини ижро этиш бўйича ҳамда суд қароридида кўрсатилган ашёларни ундирувчига топшириш бўйича зарур чораларни кўриш	54
15.	Ижро иши юритишни тамомлаш тўғрисида қарор чиқариш	21
16.	Ҳужжатларни расмийлаштириш ва юбориш	24
ЖАМИ		679

Суд ижрочиларининг иш
ҳажми меъёрларига
2-ИЛОВА

Битта суд ижрочиси бўйича иш ҳажми меъёрларининг ҲИСОБ-КИТОБИ

Ижро иши юритиш турлари	Битта суд ижрочисига тўғри келадиган ижро иши юритишлари сони			
	кунда	ойда	чорақда	йилда
I. Юридик шахслардан ундирувлар	0,6	12,9	38,7	155,1
II. Жисмоний шахслардан ундирувлар	0,7	15,3	46,0	184,3
III. Алимент ундирувлари	0,6	13,25	39,7	159
IV. Номулкый хусусиятга эга бўлган талабларни ижро этиш	0,9	20	60	240
V. Қарздорни кўчириш	1,12	23,8	71,4	285,8
VI. Ундирувчини кўчириб киритиш	0,8	18,5	55,7	223,1
VII. Болани олиб бериш ва топшириш	1,7	37,1	111,5	446,3
VIII. Жарималарни ундириш ва давлат даромадига бошқа ундирувлар	0,69	14,7	44,1	176,6
IX. Давлат даромадига ўтказилиши лозим бўлган мол-мулкларни реализация қилиш ёки йўқ қилиб ташлаш	0,8	18,1	54,3	217,4
X. Бошқа ижро ишлари	0,7	15,0	45,1	180,4
Ўргача	0,86	18,9	56,7	226,8